

Талаба Қуръонни 11 соатда хатм қилди



18:35 / 26 январь 916

Жорий йилнинг 24 январ куни «Сайид Муҳйиддин махдум» ўрта махсус ислом билим юртининг иккинчи босқич, 92-гуруҳ талабаси Муҳаммадризо қори Усмонов таълим муассасаси раҳбарияти ҳамда «Қироат ва тажвид» фани устозлари ҳузурида ўн бир соат давомида Қуръони Каримни тўлиқ ёддан ўқиб берди.

Жараён давомида «Қироат ва тажвид» фани устозлари Муҳаммадризо қорининг тиловати ва ёд олиш сифатини синчиклаб текшириб боришди.

Шунингдек, ушбу муборак жараёнда Ўзбекистон мусулмонлари идораси «Қуръони карим ва тажвид» бўлими ходими Абдуллоҳ қори Файзуллоҳ махдум ўғли ҳам қатнашди.

Хатми Қуръон сўнгида Муҳаммадризо қорига эсдалик совғалар топширилди. Қорини вояга етказган ота-онаси ва устозларига муассаса номидан ташаккурномалар тақдим этилди!

"Сайид Муҳйиддин махдум" ўрта махсус ислом билим юрти